
Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ, СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■

48-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980 11

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Р. Қодирий. Меҳр. Фахрия. Шеърлар. 3

Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши. Тарихий саргузашт роман. 7

Т. Ҳамид. Гулоб. Достон. 59

О. Мухтор. Учқур поездлар. Ҳужжатли қисса. Давоми. . 66

ШЕЪРЛАР

Т. Норов. Қўлимга олиб тор... 113

Б. Қаипназаров. Мен сенинг бир новдангман. 114

О. Суюндиқова. Туйғуларим. 116

О. Раббимова. Деразамдан мўралайди ой. 118

Т. Тўла. Ойгул ва Омоной ҳақида. 117

Н. Сафаров. Момақалдироқ. Роман. Охири. 120

И. Тургенев. Тутун. Романдан боблар. 177

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА

З. Аъламов. Афшонанинг бугунги жамоли. 206

С. Шермуҳамедов, С. Мирзаев. Уйғун — адабиётимиз оқсоқоли. . . 210

МИРТЕМИР ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

С. Мамажонов. Оқ қоядай абадий 216

Ж. Жабборов Устод 220

Б. Акрамов. Сўзи алёр, қўшиғи сел санъаткор 222

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

П. Шермуҳамедов. Энг покиза туйғулар. 225

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Ғ. Ҳўжаев. Бобирнома анъаналари. 228

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК


А. Эшонқулов. Ёшлар прозасига бир назар. 230

ТАҚРИЗЛАР

А. Ортиқов, Э. Умаров. Нутқ санъати асослари. 235

М. Тоиров. Қувончнинг жаранги. 238

www.ziyouz.com kutubxonasi



ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Аҳмаджон Эшонқулов,

фалсафа фанлари кандидати.

ЁШЛАР ПРОЗАСИГА БИР НАЗАР

Ёшлар ижоди ҳақида гапириш — адабиётимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида гапириш, унинг хилма-хил масалалари хусусида фикр юритиш демакдир. Шунинг учун ҳам ёшлар ижодини таҳлил қилиш хийла қийин ва мураккаб иш. Ёшларнинг аксарияти бир неча асар эълон қилганига қарамай, ҳали аниқ йўлини белгилаб олганича йўқ. Таниқли ёзувчилардан Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор ёки Одил Ёқубовнинг янги асарини ўқир эканмиз уларнинг эстетик олами олдиндан таниш бўлгани учун бу асар ҳақида маълум хулосаларга келишимиз қийин бўлмайди. Доимо изланишда бўлган ёш ёзувчининг асари ҳақида хулоса чиқариш эса анчагина кузатиш ва ўрганишларни талаб қилади.

Албатта, изланиш ҳар бир санъаткор учун бир умрлик ҳодиса. Ёш ижодкорнинг изланишларини устоз санъаткорлар, танқидчилар баҳолаб, тўғри йўл кўрсатишлари керак.

Ёш ёзувчиларга муносабат масаласида ғамхўрлик билан талабчанликни уйғунлаштиришга эришиш зарур. Илгари ёшларга ғамхўрлик бир қадар бўшашган бўлса, эндиликда талабчанлик анча сусайгани сезилади. Буни ёзилаётган асарлар савияси ҳамда уларга берилаётган баҳолардан кўриш мумкин. Айниқса, ёшлар танқиддан кўра мақтовга мойилроқ бўладилар. Шунинг учун ҳам уларни одилона танқидни тўғри қабул қилишга ўргатиш керак. Танқидни тўғри тушунган, ундан фойдали томонларни ола билган санъаткоргина ижод пилла-поясидан аста-секин кўтарила боради.

Адабиёт ҳаётий воқеаларнинг образли ифодасини бериши лозимлиги ҳаммага маълум. Асарнинг ҳаётийлигини билиш учун унда акс этган воқеаларни ҳаётга солиштириб қараш керак. Шу нуқтаи назардан қараганда бугунги кунда яратилаётган ҳамма асарлар ҳам ҳаётни бадиий акс эттиришда бирдек савияда эмаслиги равшан сезилади.

Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиши мураккаб жараён бўлиб, бунда ёзувчининг тафаккур кучи, дунёқараши, эътиқоди ва эстетик принциплари яққол намоён бўлади.

Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романининг ўзига хос хусусиятлари матбуотда бир неча бор қайд этилди. Асарнинг ютуғи ҳақида билдирилган фикрларга қўшилиш билан бирга унда ҳаёт ҳақиқатининг талқинида, ёзувчининг ғоявий позициясида, образлар характеристикасида мавжуд бўлган айрим нуқсонлар тўғрисида баҳслашишни лозим топдик.

«Нур борки, соя бор» романини ҳаётга солиштирсак, мураккаб ҳаёт воқеалари анча жўнлаштириб берилганининг гувоҳи бўламиз. Бир қарашдэ роман билан ҳаёт ўртасида зиддият йўқдек туюлади. Шерзод сингари виждонли йигитлар жуда кўп. Сайфи Соқиевич каби порахўрлик билан бойиб, айшу ишратда яшаб, буни оддий турмуш нормаси деб ҳисобловчи кимсаларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Бошқа образлар ҳам ҳаётда бор одамлар.

Аммо бор гапларни шундайлигича асарга кўчиришнинг ўзи кифоя эмас. Бадиий образли тафаккур аввало ҳаётий воқеаларнинг мағзини чақади, воқеалар замирида яшириниб ётган жараёнларни юзага чиқаради. Ёзувчи бадиий асар яратишга киришар экан, материалларни маълум бир концепция асосида умумлаштиради. Ўткир Ҳошимов романида худди мана шу концепция назаримда, етарли асосланмаган.

Романда порахўрлик, юлғичлик каби иллатлар қаердан пайдо бўлади, уларга қарши қандай курашмоқ керак, деган масала қўйилади-ю, аммо етарли жавоб берилмай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Сайфи Соқиевич устаси фаранг порахўр, юлғич, чайқовчи, муттаҳам. Аммо унинг романдаги тасвири образ мантиқига тўғри келмайди. Чунки қайси порахўр, юлғич, чайқовчи «ҳа, мен шунақаман» деб данғал айтиб ўзини ўзи тутиб беради? Ҳаёт ҳақиқати бундан бошқачароқ.

Ёки Шерзод образини олайлик. Бу образ ҳам ўз мантиқига кўра эмас, аксинча ёзувчи хоҳиши билан ҳаракат қилганга ўхшайди. Шерзод ёмонликни, ифлосликни қоралайди, бу яхши, аммо унинг ёмонликка қарши кураши ҳозирги замон учун характерли эмас. Катта проблема қўйилгандан сўнг катта кураш йўллари танланиши керак эди. Бунда фельетон бир восита бўлиши мумкину, аммо асосий кураш йўлини белгилай олмайди. Асарда соялар-нинг қаердан пайдо бўлиши тўла асосланмагани учун уларга қарши кураш йўллари ҳам юзаки йўллар билан олиб борилади.

Воқеалар катта эҳтирос ва ҳаяжон билан бадиий жиҳатдан қизиқарли баён этилишига қарамай, асарда баъзи ўринлар ҳаётий ҳақиқатга мос келмайди.

Бир қараганда Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат» романи «Нур борки, соя бор» билан баҳс тарзида ёзилганга ўхшайди. «Сўнгги бекат»да ҳам яхшилик билан ёмонлик, порахўрлик билан ҳалоллик ўртасидаги кураш масаласи қўйилади. Ҳатто мактаб ўқувчиларини пахтага олиб чиқиш масаласи бу романда ҳам муҳокама этилади.

Агар Ўткир Ҳошимов романида порахўрлик, чайқовчилик, юлғичликни қаттиқ қоралаб, уларга нисбатан ўз нафратини ифодалаган бўлса, Шукур Холмирзаев эса, бу қусурларнинг ижтимоий-психологик илдизларини очишга ҳаракат қилган. Содиқ ва Ўктамнинг тўқнашуви орқали катта бир тарбиявий ғояни илгари суради. Бу ғоя шундан иборат: ҳеч ким порахўр ва юлғич бўлиб туғилмайди, бу иллат инсонда маълум шарт-шароитларда, маълум одамлар таъсирида шаклланади. Бу касаллик иллатларга мубтало бўлганларнинг ҳаёти доимо фожиа билан тугайди. Шукур Холмирзаев мана шу психологик жараённи баҳоли қудрат таҳлил қилади.

Содиқ ва Ўктам образлари шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Порахўрликни турли соҳаларда учратиш мумкин. Аммо орган одамлари орасидаги порахўрлик бу иллатларнинг энг юқори нуқтаси. Демак, порахўрликни фош қиладиган бўлсак, ишни ана шу юқори нуқтасидан бошлаш керак бўлади. Ёзувчининг мақсади аниқ. Содиқ орган одами, бу бир жойдан суриліб, иккинчи жойга келиб қолади ва бу ерда Ўктамга дуч келади. Ўктамнинг олижаноблиги, соддалиги, совхоз директори эканини, шу билан бирга унинг маълум айблари борлигини билган Содиқ нақ ўлжанинг устидан чиққандек бўлади. «Минг сўм берасан, бўлмаса сиримгни фош қиламан», деб туриб олади. Яхшиликлари эвазига бўлаётган бу «ҳимммат»дан Ўктам қаттиқ оғринади, кейин шердек ҳамла қилиб Содиқни мажақлаб ташлайди. Ўктамнинг бу ҳаракати Содиқда сезиларли ўзгариш ясайди. У бутунлай мағлуб бўлганини, ҳаётда нопок йўллардан юриб узоққа кетиш мумкин эмаслигини чуқур ҳис қилади. Бекат совхози Содиқ учун сўнгги бекат бўлиб қолади, энди у барчаси тугаганини — хотин ҳам, оила ҳам, мансаб ҳам, ўлжа олиб яшаш ҳам — ҳаммаси тугаганини англаб етади ва бошини олиб номаълум томонга кетади.

«Сўнгги бекат» романида ёзувчи ҳаётий материалларни умумлаштириш, образларни типиклаштириш, асосий ғоявий ниятни рўёбга чиқариш борасида меъёрни сақлай олган.

Эмин Усмонов ҳам истеъдодли ёзувчи. «Меҳригиё» романида қаҳрамонлар психологиясини таъсирчан воқеалар заминида очади, ширали тили ва равон услуби билан ўқувчини ҳаяжонга солади. Бу романда бир колхоз ҳаётидаги воқеалар тасвирланади.

Ер учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам, одамлар учун ҳам химикатларнинг катта зарари борлиги ҳаммани ташвишга солиб турган пайт. Биологик усулга ўтиш учун жуда кўп жойларда жадал ишлар қилинмоқда. Бу усул жуда нозик иш, унга ўтиш жуда кўп машаққатларни талаб қилади. Романда мана шу машаққатлардан бир шингили ҳикоя қилинади. Асарнинг асосий конфликти Мурод раис билан Нодир ўртасидаги муносабатда ривожланади. Демак, роман учун танланган мавзу ва асар конфликти ҳаётий реал заминга эга. Мурод раис ва партком секретари Умар ака образлари ёзувчи томонидан маҳорат билан тасвирланган. Бу образлар ўз индивидуал қиёфаси — хатти-ҳаракати, гап-сўзи, одамларга муносабати билан китобхонни қизиқтиради.

Аммо Нодир образи ҳақида бундай ишонч билан гапириш қийин. Чунки ёзувчи бу образга керагидан ортиқча бадиий юк юклаган. У диссертация устида ишлаш билан бирга колхозда бош агроном-лик ҳам қилади. Нодир дам агроном қиёфасида, дам аспирант қиёфасида кўринади. Унинг диссертацияси қабул қилинмайди, агроном сифатида ҳам колхоз ҳаётида сезиларли фаолият кўрсатолмайди. Шунинг учун бу образ анча нурсиз, хира чиққан. Катта бир романнинг конфликтини ташкил қилган Мурод раис билан Нодир агроном ўртасидаги тортишув асар охирлашган сайин сусая боради ва хотимада ёзувчи ҳаммани апоқ-чапоқ қилиб яраштиради. Нодирни Чаманга уйлантириб, бахтли якун ясайди. Мана шу тариқа асарнинг иккинчи ярмида ва охирида бадиий ҳақиқат бузилади. «Меҳригиё»даги жиддий камчиликлар танқидчиликда, хусусан танқидчи Озод Шарафиддинов мақолаларида тўғри қайд этилди.

Адабиётнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг умумлаштирувчи кучидир. Ҳар қандай бадиий асар ҳаётдан бир даража юқори бўлиши лозим. Ёзувчи Константин Паустовский тили билан айтганда, ёзувчи чанглар ичидаги олтин зарраларини игна

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан қудуқ қазигандек қийналиб териб олади, йиғади, бирлаштиради ва ниҳоят ажойиб гулдаста ясайди. Ёзувчи бу олижаноб иш билан шуғулланмаганда, одамлар олтин зарраларини чанг ичида бепарво босиб, эзиб ўтиб кетаверар эдилар. Демак, ҳаётдан олинган материал ёзувчининг қалб ҳарорати, туйғулари, идроки ва эътиқоди асосида қайта ишланиб, янгича чирой ва гўзаллик касб этади.

Омон Мухторовнинг «Йиллар шамоли» романини ўқиб чиққандан сўнг ҳаёт материалларини саралаш, умумлаштириш маҳорати, жанр талабини тўғри тушуниш ва унга амал қилиш яратилажак асар учун нақадар муҳим эканлигини яна бир карра ҳис этамиз.

Камол, Зумрад, Олия, Қосим каби ёшлар романнинг асосий қаҳрамонлари. Камолнинг онаси Райҳон биби образи ўзига хос бўёқлар билан тасвирлаб берилган.

Ёш ёзувчининг йирик жанрга қўл урганни, воқеаларни кенг планда бадиий гавдалантиришга ҳаракат қилгани яхши. Ёзувчининг самимияти, меҳнат аҳлига нисбатан ҳурмати кўриниб туради. Истеъдод ва маҳорат учқунлари ярқ этиб кўзга ташланиб турган саҳифалар ҳам анчагина. Лекин, барча ижодий фазилатларга қарамай, романнинг бир қатор камчиликлари ҳам борки, булар ҳақида тўхтаб ўтсак, бу ёш ёзувчининг келгуси ижодий фаолиятида ижобий туртки бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Асарни ўқиб чиққандан кейин шундай савол туғилади. Романдаги воқеалар нега кишига кучли таъсир кўрсатиб, эсда узоқ сақланиб қолмайди, ундаги лавҳалар кўз ўнгингизда ярқираб гавдаланмайди.

Бу саволга жавоб топиш учун икки нарсага алоҳида эътибор бериш керак: биринчидан, романдаги воқеалар гарчи ҳаётий бўлсада, уларнинг тасвири жудэ ғариб, кўримсиз, мужмал. Бунинг устига муаллиф шу тўрт образ атрофида айланавергани учун, асарнинг ғояси ва конфликтини ривожлантиришга деярли таъсир қилмайдиган эпизодлар кўпайиб кетган, ёзувчи ўзи сезмаган ҳолда, ярим бетда бадиий акс эттириш мумкин бўлган эпизодларни тўрт-беш бетга чўзаверади, натижада борган сари романнинг таъсир кучи пасайиб, бадиийлик хиралашаверади.

Бунинг сабаби шундаки, воқеаларни саралаш ва умумлаштиришда муаллифда тажриба ва маҳорат етишмаган. Меҳнат жараёни аҳён-аҳёнда тилга олинган ва узуқ-юлуқ тасвирланган учун асарнинг умумий руҳига сингиб кетмаган, икки-уч ерда кўринган партком секретари Раҳматов асар учун ортиқчадек таассурот қолдиради, чунки романга асос қилиб олинган Камол, Зумрад, Олия, Қосим ўртасидаги муносабатда унинг ҳеч қандай роли йўқ. Агар Камол билан Олия ўртасидаги муносабат асарнинг асосий ривожланиш чизиғи бўлса, бунда ҳатто Зумраднинг ҳам роли унчалик сезилмайди. Умуман бу образ анча схематик чиққан, унинг ака-сингилдек бўлиб қолган Камолни севиб қолиши бадиий далилланмаган. Зумраднинг тақдири ғалати ҳал қилинади: Камол билан Олиянинг тўйлари яқинлашган пайтларда ёзувчи Зумрад ҳақида лом-лим демай ўтаверади, яъни тез-тез тилга олиниб турган Зумрад саҳифалардан тушиб қолади-ю, асар охирида эри Умар билан кириб келади. Ажабо, Умар ким, улар қачон танишишди, севишди, оила қуришди? Буни ёзувчи китобхонга «Ўзинг ўйлаб топ» деб қўя қолади.

Хўш, бош қаҳрамон Камол қайси жиҳатлари билан ҳозирги ёшларимизга намуна бўла олади? Ёзувчи уни колхозда бригадир бўлиб ишлайди, аниқроғи, уни кам ҳосилли ердан юқори ҳосил олиш учун курашаётган комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашди, деб ахборот беради. Шу қийин, аммо шарафли меҳнатнинг, у ишлаётган коллективнинг фаолиятини очиш ўрнига ёзувчи бригададаги ишлар ҳақида икки-уч жойда хабар беради, холос. Камолнинг севги бобидаги ишларида ҳам ибратли жиҳатлар кўзга ташланмайди.

Юқори синф ўқувчиларининг мураккаб шаклланиш босқичларини, уларнинг руҳий оламларини қаламга олиш ҳам қийин, ҳам шарафли иш. Латиф Маҳмудовнинг «Қопга яширинган одам» номли саргузашт романи болаларнинг характери ва психологиясини тасвирлаш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Кўз олдимизда ўн тўрт-ўн беш ёшли ўсмирларга хос бўлган юксак орзу-истаклар олами намоён бўлади. Ўсмир қалбларда эндигина яйроқ ёза бошлаган севиш-севилиш туйғусининг ўзига хос тарзда юз беришини ҳис этамиз.

Ёзувчи болалар дунёсини ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлаги сифатида тасвирлайди, ҳар бир боланинг ўзига хос индивидуал томонини очиб беради, уларни тўғри сўзликка, ботир бўлишга, дўстликнинг қадрига етишга, шошма-шошарлик қилмасликка ундайди.

Романни ўқиш жараёнида бадиий далилланмаган ўринларга ҳам дуч келамиз. Матбуотда роман ҳақида билдирилган мулоҳазаларда қотил характери тўла очилмаган деган фикрларни учратамиз. Биз ҳам бу фикрга қўшиламиз. Аёл кийимидаги бу овсар-қотил реал инсондан кўра эртаклардаги ялмоғиз ёки девларга ўхшаб қолган. У фақат ҳозир эмас, балки ўша қирқ йил олдин аёл кийимида юрган, деярли барча қотилликлар, суиқасдлар, қўпорувчиликлар унга боғланаверадию, бу ишларни нима мақсадда қилганлиги ишонарли очилмайди.

Қуйидаги эпизодларни диққат билан кузатганда ёзувчининг ишонтириш санъати борасидаги маҳорати ҳали етишмаганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Солижон акани қўл-оёқларини боғлаб, Мулладўстникига келтириб, ошхонага қўядилар. Овсар уни ҳушига келтиради. Ошхонанинг мўрисидан пойлаб турган Асқар ўзини тутолмай «Солижон ака» деб қичқириб юборади. Қизиғи шундаки, Асқар Солижон акани ҳеч қачон кўрмаган, у ҳақда Шаҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лодан эшитган холос. Умрида кўрмаган одамини ошхонанинг мўрисидан туриб қандай танидийкин? Бўрттирма воқеани ёзувчи давом эттираверади. Асқарнинг қўлида бир тош бўлиб, уни мўридан туриб Овсарнинг устига ирғитади. Тошнинг зарбидан Овсар йиқилгач, Асқар мўридан тушиб Солижон аканинг қўл-оёқларини еча бошлайди. Ҳовлига раис ва бошқалар йиғилгунга қадар Овсар ҳушсиз ётаверади. Кичик бир тошча тегиши билан (яна уни ўнбеш ёшли бола мўридан ирғитяпти) йиқилиб, ҳушидан кетадиган бу қотилнинг шунча кўрқинчли, жирканч ишлар қилганига қандай ишониш мумкин. Балки кексайиб, дармони кетиб қолгандир деган хаёлга борсангиз ,ёзувчи бу фикрингизни рад этади:

«Ўлимтиккина бўлиб шумшайиб ўтирган чол шундай чаққонлик билан сапчиб туриб, Турдиқулнинг бўйнига шундай зарб билан мушт туширдики, агар тасодифан Турдиқул чап бериб қолмаса, шу жойнинг ўзида тил тортмай ўлган бўларди!»

Шу ўринда танқидчи Озод Шарафиддинов мазкур романга хос бир қатор камчиликларни пухта далиллаган, асослаган ҳолда тўғри кўрсатиб берганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Кейинги йилларда адабий-танқидий китоблар ва мақолаларда бадиий асарнинг композицияси ҳақида кам фикр юритилмоқда. Адабиётшунос ва танқидчиларимиз у ёки бу асарни таҳлил этишганда негадир асарнинг ғояси ва образлар характеристикаси билан чегараланиб қолишмоқда. Бу ҳол ижодий жараёнда ҳам ўз изини кўрсатмоқда. Хусусан ёш ёзувчиларимиз композиция масалаларига бефарқ қарашмоқда, айримлари эса бу зарурий адабий омилларни пухта эгаллаб олиш устида дурустроқ ўйлаб кўрмаяптилар ҳам.

Айрим манбаларда композиция бадиий асарда воқеалар кетма-кетлиги ва уларнинг шаклий бир бутунлиги, бир сўз билан айтганда, асарнинг қурилиш структураси деб таърифланади. Композицияни асарнинг фақат шаклий тузилишига тегишли деб ўйлаш тўғри бўлмайди. Композиция аввало, мазмун ва шакл бирлигини тақозо қилади.

Ҳар бир образ, воқеа, эпизод, детал ўз ўрнида қўлланиши, ўз вазифасига эга бўлиши, асар ғоясининг бирор-бир томонини ўзида ифодалаши шарт. Шундагина бадиий асар композицион яхлитликка эга бўлади.

Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат» романи, матбуотда эълон қилинган мақолаларда тўғри кўрсатилганидек, яхлитликка эга эмас. Воқеалар бош тугун, яъни Содиқнинг разил режаси билан боғланмай, ҳар қайсиси ўзича алоҳида мавжуд. Ҳатто энг муҳим эпизод ҳам тарқоқ бўлиб қолган. Ёзувчи айрим эпизодларни Ўктамнинг характерини белгилаш учун, айрим эпизодларни Мунираниng совхозда туриб қолишини асослаш учун киритган. Лекин, бари бир барча воқеалар бир занжирга тизилиши ва ягона мақсадга бўйсундирилиши зарур эди. Сўнгра романни Сабоҳатнинг ўлими билан эмас, балки Содиқ ва Ўктамнинг сўнгги учрашуви билан тугалланса асар оҳангдорлиги ва таъсир кучи янада ошган бўларди.

Мамадали Маҳмудовнинг «Боғдон қашқири» қиссаси анча пишиқ ёзилган. Аввало, ёш ёзувчи босмачилик ҳаракатидан мавзу танлар экан, асарни қандай бошлаб, қандай тугатиш кераклигини тўғри белгилай олган. Қисса ҳақида билдирилган мулоҳазаларда Юсуфбекнинг халққа кўрсатган жабру-зулми кам кўрсатилган, деган гаплар бўлди. Бу унчалик тўғри эмас, агар шундай қилинганда асарнинг ҳозирги композицион яхлитлигига путур етарди. Ёзувчи асар хотимасини ўқувчини ҳаяжонлантира оладиган қилиб якунлаган. Асар ҳақида айниқса Матёқуб Қўшжонов билдирган фикрлар ибратли. Унинг фикрларига қўшилган ҳолда «Мамадали Маҳмудов «тоғни талқон қилишга» қуввати етадиган Тарас Бульба типидаги темир иродали шахснинг қуйма характерини яратди» деган мулоҳазасига эътироз билдирмоқчимиз. Биринчидан, Юсуфбекни Тарас Бульбага қиёс қилиш унчалик тўғри бўлмаса керак, иккинчидан, «темир иродали», «иродаси зўр» каби тушунчалар ижобий типларга нисбатан ишлатилмайдими? Ирода эзгулик учун курашда намоён бўлмайдими? Зўр, бақувват, дейиш мумкин, аммо Юсуфбекдек шахсни темир иродали инсон десак қандоқ бўларкин?

Ёш ёзувчиларнинг кейинги йиллардаги ютуқлари сирасига кирадиган Ўктам Ҳакималининг «Кичик хонадон», Зоҳир Аъламнинг «Илк баҳор кунлари» қиссаларида ҳам композицион тарқоқлик сезилади. «Кичик хонадон» уруш йиллари ҳаётидан, одамларимизнинг сабру-бардошидан ҳикоя қилувчи ҳаққоний асар. Ёзувчи ўша оғир йиллардаги турли-туман воқеалардан характерли томонларини танлаб, уни бола тилидан ҳаяжонли ҳикоя қилиб беради, характерларнинг ички дунёсини очишга интилади. Аммо асар охирида ёзувчи воқеалар ривожини тезлаштиради, асарни тезроқ якунлаш мақсадида ярим бетда урушнинг тамом бўлганини, бир бетда отасининг қайтгани, яна бир ярим бетда ўзининг мактабга борганини ҳикоя қилади. Шу тариқа кейинги уч қисм асар руҳига сингиб кетмайди, айниқса отасининг қайтиши воқеаси таъсирсиз, нурсиз берилган. Қиссани қаерда, қандай якунлаш, воқеани қаерда тўхтатиш ҳақида ёзувчи жиддий ўйлаб кўрмагани учун қиссадаги эҳтирос, ҳаяжон борган сари сусайиб, асар охирлашган сайин зерикарли тус олади.

Бадиий ижод, бадиий асар ҳақида кўп гапирамизу, аммо асарларни баҳолаётганимизда «бадиийлик» тушунчасини четлаб ўтамиз. Бу талабнинг унутилаётгани эса баъзи паст савиядаги асарларни яратилишига маълум маънода сабаб бўляпти. Ёш ижодкорларнинг етук асарлар яратиши учун, ижодий улғайиши учун барча имконият мавжуд. Бунинг учун улар тинимсиз изланиб, меҳнат қилиши, ўз қалбларини «кашф» этиб боришлари лозим.

www.ziyouz.com kutubxonasi